


Таскин ўрнида



16:25 / 14.04.2025 1730

Бироз тўхтанг биродар. Келинг ўзимиз ҳақимизда тафаккур қиламиз.

Дунёда етти миллиардан кўпроқ одам бор. Шулардан бир ярим миллиарди мусулмонлар экан. Демак, сиз дунёдаги ҳар бешта одамдан биттасисиз.

Сиз намоз ўқийсизми? Бахтли одам экансиз. Демак, сиз ҳар ўнтадан биттасисиз.

Сиз Қуръон ўқишни биласизми? Нақадар гўзал. Йигирматадан биттасиз, рўза тутасизми ўттизта, закот берасизми қирқта, ҳажга борганмисиз элликта, зино қилмайсизми олтмишта, даюс эмасмисиз етмишта инсон ичида биттасиз биродар. Ҳисобни ўзингиз давом эттириб кўринг. Қанчагача бора оласиз? Аслида қанчага бориш керак? Биласизми биродарим?!

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Аллоҳ таоло қиёмат кунида Одамга шундай дейди: «Дўзахга юбориладиганларни чиқар, Одам дўзахга юбориладиганлар қанча? дейди.

Аллоҳ таоло: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси», дейди.

Тасаввур қилиб кўринг биродар. Қўрқдингизми? Мен қўрқдим. Умримни, вақтимни сарфлаётган нарсаларимдан, гуноҳларимдан қўрқдим. Мингтадан битта бўла оламанми? Шундан қўрқдим. Сиз-чи? Сиз қўрқдингизми?

Албатта Аллоҳ меҳрибон Зот, умидим Аллоҳдан.

Аллоҳим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шафоатларидан баҳраманд этсин.

Таскин ўрнида Яъжуж ва Маъжужлар кўп бўлишини унутманг.

Қудратуллоҳ Сидиқметов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.